

ПЛАН БАЖАРИЛДИ. ЭНДИГИ КУРАШ — 400 МИНГ ТОННА УЧУН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ
ЧИҚИШИ
№ 213 (4672).
27
ОКТАБЬР
ЖУМА
1972 ЙИЛ
Баҳоси 2 тийин.

Ҳар бир колхоз ва совхозларнинг пахта тайёрлаш йиллик плани ва социалистик мажбуриятни тўла бажаришига эришайлик.

Юбилей йилини муваффақиятли якунлаб, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратайлик.

Далаларда октябралди социалистик мусобақасини қизитайлик!

ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бо- риб, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олинган учун бошланган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини муддатидан илгари, 26 октябрда бажардилар.

Область колхоз ва совхозлари тайёрлов пунктларига 365 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» элтди бердилар.

Оққўрғон, Пискент ва Юқори Чирчиқ районлари пахта тайёрлаш планининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Бу районлар давлат тошириқларини биринчи бўлиб бажариб қўйдилар.

Оққўрғон районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Ҳ. Олимжон номи, Свердлов номи, «Ленинобод», Ҳамза номи, Димитров номи колхозларининг, Бекобод районидagi «Ленинград» совхоз- ни, «Победа» колхози, Бўка районидagi «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм», Жамбул номи колхозларининг, Юқори Чирчиқ районидagi «Ленинский путь»,

«Политотдел», Свердлов номи колхозларининг, Пискент районидagi Ленин номи, Калинин номи, Тельман номи, «Гулистон» колхозларининг, Урта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номи, Терешкова номи, «Полярная звезда», «Партия XXII съезди» колхозларининг ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг Урта Чирчиқ районидagi ўқув хўжалиги, Янгийўл районидagi «Ленинизм», Охунбобоев номи, «Коммунизм», «Интернационал» колхозларининг пахтакорлари ажойиб муваффақиятларга эришдилар.

Ҳосил теримининг ҳамма жойда механизациялаштирилганлиги планининг исбатан қисқа муддатларда бажарилишининг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлди.

Областининг шонли механизаторлари «зангори кема»лар билан 240 минг тоннадан кўпроқ пахта тердилар.

Оққўрғон, Урта Чирчиқ, Пискент ва Юқори Чирчиқ райони механизаторлари айниқса яхши ишладилар. Облаstdagi механик-ҳайдовчилардан

350дан ортиқ киши 100 тоннадан ва бу- дан ҳам кўпроқ пахта териб берди. Юз- лаб механик-ҳайдовчилар ўз социалистик мажбуриятларини шараф билан бажар- дилар.

Область пахтакорлари бу меҳнат га- лабасига колхозчилар, совхоз ишчилари- нинг фидокорона меҳнати туйғайли, КПСС Марказий Комитети ва Совет Ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги ва ёрдами туйғайли эришдилар. Область пахтакорларига Тошкентдаги ва область шаҳарларидаги корхона ва муассасалар катта оталик ёрдамини кўрсатдилар.

Пахта териш ва давлатга тошириш давом этмоқда. Область партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, қишлоқ меҳнатчилари давлатга 400 минг тонна пахта ҳамда бошқа деҳқончилик ва чор- вачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан юбилей йили юксак социалистик мажбу- риятларини бажариш учун бутун куч- ғайратларини сарфлайдилар, кузги-қиш- ки талбирларни қисқа муддатларда ўт- казиб, келгуси йил ҳосили учун мустаҳ- кам замин яратдилар.

ЙИЛИМИЗНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАПЛИК, КЕЛГУСИ ЙИЛГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЙЛИК

Илгари ҳабар берилганидек Тошкент область партия комите- тининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми- тетининг VIII пленумининг қарорини муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи сек- ретари М. М. Мусоҳонов «Кучга дала ишларини тугаллаш ва янги қишлоқ хўжалик йилига тайёр- гарлик юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари» ҳа- қида доклад қилди.

Совет ҳалқларининг улуг байрами — СССР ташкил этил- ган кунининг 50 йиллиги кунини ақиблашмоқда. — деди докладчи. — Совет кишилари бу шонли санаини коммунистлик курялишининг барча жаҳалларида янги меҳнат ютуқларини қўлга киритган ҳолда кутиб оломоқдалар.

Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳ- натчилари партия XXIV съезди қарорларини ҳаётга муваффақият- ли татбиқ этини, тўқтинчи беш йиллик тошириқлар ва зиммага олган юксак социалистик мажбу- риятларини бажариш учун фидо- корона кураш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Мар- казий Комитетининг 10 октябрда бўлиб ўтган VIII пленумида куз- ги дала ишларини тугаллаш ва янги қишлоқ хўжалик йилига тай- ёргарлик кўриш юзасидан Ўзе- бикистон партия ташкилотининг вазифалари муҳокама этилди. Пленум муҳокама қилинган масала бўйича кенгайтирилган қарор қа- бул қилди, давлат планлари ва юксак социалистик мажбурият- ларни муваффақиятли бажариш — она-Ватанга 4 миллион 550 минг тонна пахта етказиб бериш ва янги қишлоқ хўжалик йилига тайёр- гарлик кўриш бўйича тавсиялар- ни ишлаб чиқди. Область партия ташкилотлари Ўзбекистон Ком- партияси Марказий Комитетини бажариш бўйича оммавий-сиёсий ташкилий ишларни кучайтириб юбордилар.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзе- бикистон Компартияси Марказий Комитетини пленумида қилган док- ладига республика қишлоқ хўжа- лик меҳнатчилари Ватан олди- даги ўз бурчларини қуқур англа- ган ҳолда меҳнат қилдилар, об- ҳаво шароитининг нуқуллай кел- ганлигига қарамай, пахтадан мўл ҳосил етиштирилди, деб қайд қилди.

КПСС Марказий Комитетини Бош секретари Ўртоқ Л. И. Бре- жневнинг пахтакор республикалар партия-хўжалик активини йилгили- да сўзлаган нўтки областимиз

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

пахтакорлари иккунини активлиги ва меҳнат-ғайратини ошириб юборди. Леонид Ильич Брежнев ўзининг қуқур мазмуни сўзида пахтакор- ларининг фидокорона меҳнати- га муносиб баҳо берди. Пахтакор республикалар партия ташкилот- лари, барча коммунистлари ва меҳнаткашларининг 1972 йилги давлат планлари ва социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажариш бўйича вазифаларини, кузги-қишқи ишлар ва янги қи- лоқ хўжалик йилига тайёргарлик кўриш юзасидан қилганидан иш- ларни белгилаб берди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев нўтки барча деҳқонларнинг иккунини активлиги ва меҳнат кўтаринчилигини инчада ошириб юборди. аҳвол- ни тўғри баҳолаш ва улкан пахта учун курашда қўшимча тад- бирлар ишлаб чиқишда катта ёр- дам берди.

Шаҳар ва район партия активини йилгилиши, совхозлар ва бош- қа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларидagi йилгилиш- ларда КПСС Марказий Комитетини томонидан пахтакорлар олди- га қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан конкрет тадбир- лар белгилаб чиқилмоқда.

Бутун мамлакатда бўлганидек, областимиз меҳнаткашлари учун ҳам бу йил об-ҳаво анча нуқуллай келди. Баҳорда совуқ кунларнинг қўйилиб кетганлиги туйғайли чи- гит екин одатдаги муддатлардан анча кеч ўтказилди. Май ва июн ойининг биринчи ярмида дўл яроқ- лив ёққан жала гўза ниҳолларга катта зини етказди. Аватилиш майдоқларга чини қайта экилди. Ёз кунларида ҳароратнинг исба- тани паст келганлиги туйғайли ўт- ган йилдаги қараганда гўзанинги янгилик анча сўст бўлди.

Ленин областимиз пахтакорлари қийинчиликлари мардонавар енгилар, билимлари, тажрибала- рини ниғаа соддилар. ташкилотчи- лик кўрсатдилар ва пахтадан мўл ҳосил етиштирилди.

Ҳозир областимиз пахта за- ларига пахта ниҳи-териб олиш ва давлатга тошириш қизгин да- вом этмоқда. Ҳозирги кунга қадар областимиз пахтакорлари давлатга 357 минг тонна пахта сотдилар 97,73 процент пахта етказиб берилди. Йилнинг теримда терим машиналари ҳал қилувчи роль ўйнади. Айни

йилнинг терим қизгин кунларида дала- ларда уч мингга яқин машина ишладилар. Ҳозир ҳам далаларда 2660 та пахта териш машинаси, кўраи териш машинаси ва ме- ханик-подборшчилар ишламоқда.

Облаstda 21 октябр кунини машина терими плани бажаришди. Машиналардан кенг кўламда, оқилона фойдаланилганлиги, туй- файли оққўрғон райони муддати- дан илгари 20 октябрда, Пискент районини 21 октябрда давлат пахта тайёрлаш планини бажаришга муваффақ бўлдилар ва ҳозир бу районлар юксак социалистик мажбу- рият ҳисобига сурьатини бўша- тириган ҳолда пахта тошириш- нинг давом эттирмоқдалар.

Сизларнинг номинидан, ўр- тоқлар, Оққўрғон ва Пискент рай- онлари меҳнаткашларини катта меҳнат галабаси билан табрик- лашга рўҳбат бергайсиз.

Оққўрғон районидagi «Ўзбеки- стон ССР беш йиллиги» совхози ҳаммагинча мат-лум пахта ниҳа- шинида теримда юқори меҳнат унумига эришиш юзасидан Бутун- инчилик социалистик мусобақа ташкилотлари бўлиб чиқди. Бу сов- хозда теримнинг айни қизгин кун- ларида йиллик планга нисбатан 10—12 процента етказиб пахта тайёрланди. Совхоз 18 октябрда плани муддатидан илгари бажар- ди.

Облаstdagi «Ленинград», «Ком- мунизм», «Политотдел» совхозлари, Пискент районидagi Ленин номи, Калинин, «Гулистон», Урта Чирчиқ районидagi «Партия XXII съезди», Охунбобоев номи, Терешкова номи, «Полярная звезда», Оққўрғон районидagi «Мос- ква», Ҳамид Олимжон номи, «Ле- нинобод», «Победа» колхозлари, Бўка районидagi «Октябрь 40 йиллиги», Жамбул номи, «Ком- мунизм», Юқори Чирчиқ райони- даги «Политотдел», «Ленинский путь», Бекобод районидagi «По- беда» колхозлари давлат пахта сотиш халқ хўжалиги планларини амалда бажаришлар қаторида бажардилар.

Бу йил пахта теримини ме- ханизациялаштиришда янги ютуқ- ларга эришилди. Илгорлар тажри- мига шундан далолат берадики, машиналардан тўғри фойдаланил- ган тақдирдагина уларнинг унум- долриги юқори бўлади ва терим муддатлари қисқаради.

Еттига колхоз ва совхоз халқ хўжалиги иданларини 18—20 иш кунига бажарди. Ёнг ях- ши механизаторларимизнинг таж- рибаси шун кўрсатдики, терим техникаси моҳир қўлларга тоширилган тақдирда ажойиб ютуқларга эришилади. Янгийўл районидagi Киров номи колхоз- дан Турсуной Охунова 350 тонна, Бўка районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Сервер Усеи- нов 300 тонна, Бекобод районидagi «Победа» колхозидан Рашид Эшбоб 230 тонна пахта терди- лар. 350 механизатор 100 ва ун- дан ортиқ танадан, 486 механиз- атор эса 80—100 тоннадан пахта тердилар.

Область қишлоқ хўжалиги меҳ- натчиларининг юксак сиёсий ва меҳнат активлиги, партия, совет ва қишлоқ хўжалиги органлари- нинг ташкилотчилик ишлари кат- та самара берди. Пахта тайёрлаш халқ хўжалик плани 26 октя- брда тўла адо этилди.


Бироқ, биз 400.000 тонналик улкан хирмони буювд этилгандан сўнг меҳнат галабасини байрам қилдимиз. Бу — бизнинг мажбу- риятимиз, бу — бизнинг КПСС Марказий Комитетини олдида бер- ган сўзиниз. Уни устидан чиқини, ваздани шараф билан бажариш керак.

План ва социалистик мажбури- ятни муваффақиятли бажариш учун ишини шундай ташкил этиш керакки, меҳнатта юбилейли барча колхозчилар, совхоз ишчи- лари, шаҳар ва район меҳнат- кешлари, номсозок ва ёшлар те- римда қатнашсинлар. Қўнлик ва беш кўнлик тошириқлардан қан- дай бажарилаётганлигини ҳар бир кишига етказини, далада меҳ- нат интизоми ва теримда унум- долрини юқори кўтариш керак.

Ҳал қилувчи шу далада ме- ханизаторлар ишини тўла қувват билан давом эттирмоқлари лозим. Пахта қаерда қўп бўлса, уша ер- да машиналарни ишга солиш ке- рак.

Шундан сўнг докладчи област- да деҳқончиликнинг бошқа тар- моқлари ҳам муваффақиятли ри- вожланиётганлиги ҳақида сўзлай- ди. Шол, каноп, сабзавот, мева ва узум етиштириш, деҳқончилик маҳсулотлари тайёрлаш қўлай- моқда. Давлатга ишла, бошоқди дов, эгинлари, каноп поёси сотиш бўйича 1972 йилги социалистик мажбурият муваффақиятли бажарилди. Сабзавот, мева, қовун-тар- вуз узум, жун, ем-хашак тайёр- лаш планлари бажарилиди.

(Давоми 2-бетда).



Суратда кўриб турганингиз «оқ олтин» хирмонлари «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг лаби ҳалол деҳқонлари томонидан етиштирилган пахтадор. Совхозда терим қизгин давом эт- япти. «Оқ олтин» хирмонлари тобора кўпка бўй қўзаяпти. А. АБДЛАНИН фотоси.

НАМАНГАН ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Наманган области меҳнатчи- лари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга оши- ра бориб, СССР ташкил этил- ганлигининг 50 йиллигини муно- сиб кутиб олинган учун тайёргар- лик кўриб, дастлабки марраини ағалладилар — пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддат- тидан илгари, 26 октябрда ба- жардилар. Республика хирмони- га 376 минг тонна «оқ олтин» тоширилди. Ўртача ҳосилдор- лик гектар бошига 27 центнер- ни ташкил этди. Тоширилган бутун пахта биринчи сортларга қабул қилинди.

Тайёрлов пунктларига 89 минг тонна пахта тоширган Уч- кўрғон районининг, 45 минг тонна пахта етказиб берган Поп районининг, 40 минг тонна пахта элтган Уйчи районининг, 35 минг тонна пахта етказиб берган Тўрақўрғон районининг пахтакорлари область эришган муваффақиятларга катта ҳисса қўшдилар.

Механизаторлар яхши иш- ладилар. Машина терими плани 152 процент бажарилди. Ма- шиналар билан 224 минг тон- надан ортиқ пахта терилди. Бу эса янги пахта ҳосилининг олти- ни процентини ташкил этди. Бир машинанинг ўртача иш унуми 110 тоннага етди.

Область қишлоқ хўжалик меҳнатчилари мамлакатдаги пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Бре- жнев иштирокида бўлиб ўтган йилгилиш қарорига жаъобан етиштирилган бутун ҳосилини қисқа муддатда ва сира вобуд қилмай териб олиб, Ватанга халқ хўжалик планидагидан ташқари яна 40 минг тонна пахта беришга ва шу тарзда янги пахта ҳосилини 415 минг тоннага етказишга қарор қил- дилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИ ХАЛҚ МАСЛАХАТЧИЛАРИНИНГ САЙЛОВНИНГ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР район (ша- хар) халқ судлари халқ масла- хатчиларининг ваколат муддати тугаганини муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Советини Президиуми қарор қилди: Ўзбекистон ССР район (ша- хар) халқ судларининг халқ маслаҳатчилари сайлови 1972 йил декабрь ойида ўтказилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советини Президиумини Равсининг ўринбосари А. АБДЛАНИН.

Ўзбекистон ССР Олий Советини Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 26 октябр. Тошкент шаҳри.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ УРИШ ВА ДАВЛАТГА ТОШИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 26 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — ўрилган май- дон, иккинчи стун — бажарилиш проценти, учинчи стун — давлат- га тоширилган (тонна ҳисобда), тўртинчи стун — бажарилиш проценти.

Юқори Чирчиқ	435	92,4	1468	108,7
Янгийўл	633	93,5	1591	102,6
Орғончиқ	142	76,8	326	93,1
Бўка	741	90,8	1713	90,2
Калинин	194	100,0	356	89,0
Пискент	213	78,9	563	80,4
Урта Чирчиқ	1830	96,5	4217	74,0
Оққўрғон	406	68,4	305	72,7
Оққўрғон	1907	84,5	3998	71,0
Бекобод	2445	73,2	5922	65,8

Область бўйича 8646 84,2 20459 75,8

Тошкент область ва Тош- кент шаҳар саноат корхонала- рининг коллективлари КПСС XXVI съезди тарихий қарор- ларини амалга оширабориб ҳамда Улуғ Октябрь социали- стик революциясининг 55 йил- лиги, СССР ташкил топгани-

САНОАТЧИЛАР ОДИМИ

нинг ярим асрлик олтин тўйини муносаб савгалар билан кут- иб олинган учун социалистик мусобақани тўла олдириб, меҳ- натда катта зафар кучдилар.

Саноат маҳсулотини реализа- ция қилиш ўч ойлик плани муддатидан илгари — 26 ок- тябрда шараф билан адо этил- ди.

Область саноатчилари қўлга киритилган бу ютуқларини яна- да мустаҳкамлаш учун кураш- ни қизитиб юбордилар. Улар ой охиригача яна ўнларча мил- лион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарини ва уни реализация қилишмоқчи.

400.000 ТОННА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАВЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 26 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобда)

Биринчи стун — бир кунда тайёрланган пахта, иккинчи стун — масвум бошқандан бери, учинчи стун — шу жумладан бир кунда машинада терилгани, тўртинчи стун — масвум бошқандан бери.	1,33	107,18	1,13	119,04
Оққўрғон	0,79	104,71	0,59	103,36
Пискент	0,85	99,88	0,11	101,55
Юқори Чирчиқ	0,94	98,09	0,22	102,90
Урта Чирчиқ	1,39	96,81	1,20	96,92
Бўка	1,41	96,08	0,86	93,34
Бекобод	1,45	90,17	2,20	98,90
Янгийўл	1,23	98,96	0,97	104,48

УРТА ОСИЁ ЧЕГАРА ОҚРУГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

ВАТАН ПОСЪОНЛАРИ

Реклама ВА Эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатилган программаси, 18.00 — «Ахборот» программаси (рус тилида), 18.40 — «Майдондаги ҳайнал», Хужжатли фильм.

Ўзбек тилида: 18.50 — Чоғу кулларида концерт, 19.10 — «Ахборот» информатсион программаси (рус тилида), 19.25 — Халқ нотриолари актери, 19.55 — «Ахборот» информатсион программаси, 20.10 — «Информатсион даврида», Намангандан олиб кўрсатилади.

21.30 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.30 — СССР ташкият тоғлиқ кўннинг 50 йиллиги олдидан «Ешлин» студияси кўрсатади. «Меҳнатга шон-шарафлар!» Ёш ишчиларнинг меҳнат ветеранлари билан учрашуви, 22.50 — Совет армияси жангчилари учун «Мен чегарада хизмат қилман» (рус тилида), 23.20 — Хужжатли фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 19.00 — Ўқитувчилар учун консултация. «Масаладан тегнама тузиш усули билан ечишда жавабдан фойдаланиш», 19.30 — «Она». Вақтинчи фильм (рус тилида), 21.10 — Тошкент ингилислари (Ўзбек ва рус тилларида), 21.30 — Классик музика саҳифаларида.

ТЕАТР

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/Х да Парвона. МУҲИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/Х да Нурхон.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Куч аттракцион — ана-ана Номадилар. Постапокалипсис жаҳоннинг эски-меланини. СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, РСФСР да хизмат кўрсатган артист Г. Новак.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Полиция комиссарининг республика прокуратураси илгори — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (муфт соатларда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «КУДУЗ ВА КЕЧУРУШ», «МОСКВА» (кудуз соат 2, 5.30 минутда, кеч соат 9 да).

Ғалабадан сунги жанг — «ВОСТОК» (кудуз ва кечуруш), «ДРУЖБА» (иртаб соат 11, кудуз соат 2, 5 да, кеч соат 6, 8 да).

Бурун ва уч кўз — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кудуз ва кечуруш), «СПУТНИК» (муфт соатларда, кудуз ва кечуруш).

Уч мушкетёр — «ЎЗБЕКИСТОН» (кудуз ва кечуруш), Катта сайр — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кудуз ва кечуруш).

Шаҳардан ташқари уйдан саргузашт — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кудуз ва кечуруш).

Бу тельо дунё — НАВОИЙ ноши (кудуз ва кечуруш), Муслим Магомалов куйида — «ДРУЖБА» (иртаб соат 10.20 минутда, кудуз соат 12, 1.30 минутда, 3, 4.30 минутда, кеч соат 8 да).

Бурун ва уч кўз — «ЧАПКЛА» (кудуз ва кечуруш).

«ВОЕННАЯ КНИГА» МАГАЗИНИ

аҳолидан китобларни сотиб олади.

ХУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

Шахсий кутубхоналардаги ҳамма китоблар ҳам илгаридек сизга керакми?

«Военная книга» магазини ҳарбий, ҳарбий-тарихий, бадиий адабиётларини, обуна нашрларини ва бошқа китобларни сотиб олади.

«Военная книга» магазинига марҳамат!

Бу ерда сиз ўзингизга керак бўлмаган китобларини топшириб, ўз шахсий кутубхоналарингизда бўлмаган китобларни сотиб олишингиз мумкин.

Китоблар ҳар кунини (шанба кунидан ташқари) эрталаб соат 9.30 минутдан кеч соат 5.30 минутгача қабул қилинади.

Китоб топшираётганингизда паспортингизни кўрсатишингиз керак.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 28-уй ва В. И. Ленин проспекти, 40-уй.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Босма-хонаси, Гошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64697. Р — 03759. Б. 1868.

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР



Сахро ёнмада, қулоқларнинг учи қизилган, бархандардан келатган қайноқ еллар бетга урилиб, кўз очирини қўймайди. — Кўзда ҳам шунақа бўлдики? — дейишди машқдан ва иссиқдан толиққан чегарачилар. — Бўлима! Таберлан! — сержант В. Добровольскийнинг овози эшитилди.

танҳо ҳукмрондек кўга ташланади.

— Ориентирга олинсин! Солдатлар ўз жойларини ориентирлар бўйича аниқлади-лар, кун чириш ва ботиш томонларини кўрсатиб бердилар.

— Тарқалисин! Жангчилар бир оумда кўздан ғойиб бўлишди. Лекин бир бирларидан узоққа кетиб бўлмади. Яқин атрофда биронта гўёқ кўринмади. Қўёш эса шафқатсиз ёндиради. Хов олдидан бодом дарактининг соясига бориб бениншига улгуриб бўлмайди, масофа узоқ.

— Колоннага, битта-биттадан сафларинг! Чегарачилар тезда тизилишди.

— Маррага... жангга! Жангчилар белгиланган оралик билан бир-бирларининг орачаларига сафларини. Улар жанговар буйруқни диққат билан кутинишди.

Пудемётчи ефрейтор Мокко, автоматчилар Иванченко, Бүстонулов, Катума аниқ ҳаракат қилишди. Кичик сержант Никифорова тактик услубларини моҳирона эгаллаган. У комсомоллар сардори, командирнинг биринчи ёрдамчиси.

— Бўлима, атангага таберланисин! — Добровольскийнинг янграқ овози эшитилди. Командирнинг буйруғи асосда чегарачилар «душман» томон бордилар. Ўнда тўсиқ учради: қандайдир йўл билан келиб қолган каттагина тош парчаси ерда ётарди. Айтишларига бу тош узоқ вақтлардан буён бор.

У Искандар Зулқарнай юришларининг ҳам гувоҳи бўлган, дейишди. Ҳозир эса анъанага кўра эскидан хизмат қилаётган жангчилар кўм орасида ётган бу «ёдорлиқни» ёш солдатларга топширишди.

Чегарачилар оқоқ қазийдилар, курулларини ўқлаб бўладилар, гранаталарини таберлайдилар.

— Атакага, олга! — Лаҳза ўтмасдан траншеялар бўшаб қолди. Ефрейторнинг ўнг томонида Мокко, терга ботган оддий солдат Катума атанга қилишмоқда. Оддий солдат Болсуновский оғрада қолди. Сержант Добровольский «Сол-

дат жойини яхши ўрганмабди» деган худосога келди.

«Жанг» авжига чиқди. Чегарачилар отилиб нишонга етдилар. Кўза кўринган нуқталарга қараб йўл-йўлакай ўт очиб боришди.

Хавфни пинанд қилмай бир солдат қаддини ростлади. — Оддий солдат Иванченко, яширинсангчи. — қичқирди Добровольский.

Чегарачи командирнинг буйруғини тезда бакарди.

Олдидан миналашган майдон бор. Уни жангчилар тактик таъбирларининг ҳамма қондалари асосда кечиб ўтдилар. «Душман» қаршилик кўрсатди.

— Бўлима, траншеяларга тушилисин, гранатлар улоқтирасин!

Чегарачилар учун шу кун анча машаққатли бўлди. Лекин улар суръатини бўшамай олган итилишди.

«Душман» траншеясини эгаллаган жангчилар белгиланган вазифга мувофиқ олган боришда давом этардилар.

В. ДЕРГУНОВ, старший лейтенант.

СУРАТЛАРДА: совет туپронининг даҳлсизлигини кўриқлаётган чегарачиларнинг постда ҳамшира сержант Ю. ШАЛАЕВ фотолари.



Дунё хабарлари

ҲИНДИ-ХИТОЙДАГИ ЖАНГЛАР

НЬЮ-ЙОРК. 25 октябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ҳалқ овозлик курулди кўчалари душманга қарши курашини кучайтириб, шимолий сектор ва Марказий платога Америка ҳарбий ҳаво базаларига ҳужум қилдилар. Куангнам вилоятидаги Даманга районидан душман базаси ракета тўли ишонинга олинди.

Америка ҳарбий кўмондонлиги вақили хабар қилишича, базаси қарши 80 та ракета узирилган. Еқинги ва ўқдорлар омондорлари портлатилган. Америка ва Сайгон ҳарбий хизматчилари орасида ўлганлар ва ярадор бўлганлар кўп. Куангчи (Шимолий сектор) вилоятида ва Плейку—Конгум районида, Меконг анхори бўй-

ларида, шунингдек, Сайгон яқинида оғир жанглар давом этмоқда.

Ҳалқ овозлик курулди кўчалари бўлиналари яна стратегик аҳамиятга эга бўлган биринчи шоссё йўлини кесиб қўйдилар. Бу йўл Жанубий Вьетнам пойтахтини Шарий соҳил билан бирлаштиради. Плейку—Конгум оралигидаги 14 шоссё йўлидаги ҳаракат ҳамон ватанпарварларнинг назорати остида турибди.

Америка авиацияси Жанубий Вьетнамнинг кўпгина районоларини кучли бомбардировка қилишни давом эттирмоқда. Фақат ўтган куннинг ўзида «В-52» оғир бомбардировчи самолётлари 100 га яқин жанговар учин қилдилар.

ХАНОИ. 25 октябрь. (ТАСС). Ҳалқ овозлик курулди кўчалари бўлиналари кўмондонлигининг ҳарбий маълумотида шу нарса таъкидланди: Митхо вилоятидаги жанговар ҳаракатларда (Меконг анхори территориясида) 17 октябрдан 20 октябрга қадар ватанпарварлар душманнинг 300 дан ортиқ солдат ва афицерларини сафдан чиқардилар. Жу-ватанпарварларнинг назорати остида турибди.

НЬЮ-ЙОРК. 25 октябрь. (ТАСС). Такео вилоятидаги ҳаракат қилаётган Камбоджа ватанпарварлари пойтахтдан 83 километр жанубда жойлашган душман позициясига қарата кучли зарба бердилар. Поном-нен кўннинлари орасида бир неча ўлган ва ярадор бўлганлар бор.

НЬЮ-ЙОРКДА УРУШГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

НЬЮ-ЙОРК. 24 октябрь. Нью-Йоркда «Вьетнам ветеранлари — урушга қарши» ташкилотининг қақирғига буюнлар урушга қарши намоийш ва митинг бўлди.

Мэдисон-Сквер майдонига тулган митинг қатнашчилари АҚШ олдидан бораётган энг адолатсиз ва ҳамма қарши чиқаётган урушга дарҳол чек қўйиш-ини талаб қилдилар.

Сунгра улар «Ветеранларга уруш эмас, балки иш керак» деган шор ташлаб, шаҳар кўчаларини бўйлаб ўтдилар. Полиция намоийш ташкилотчиларидан бир қанча кишини қамонқа олди. (ТАСС).

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ИТАЛИЯ—СОВЕТ САВДО ПАЛАТАСИ ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

25 октябрда Москвада Италия — Совет савдо палатасининг доимий ваколатхонаси очилди. Италия Министрлар кенгашининг раниси Жулио Андреотти ваколатхонасини очиб маросимда сўзга чиқиб, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларнинг ривожланишидан мамнуун эканлигини билдирди. Москвада очилган ваколатхона палатанинг фаолиятида, деди у, муҳим роль ўйнайди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. А. Кирьялин ўзининг жавоб нутқида Совет ташкилотлари Италия билан бундан кейин ҳам ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигини айтиб ўтди.

Италия — совет савдо палатаси 1964 йилда тузилган эди. Бу палата Италия фирмалари билан Совет ташқи савдо ташкилотни ўртасида алоқа ўрнат-

тишга, савдо, иқтисодий ва техника делегацияларини ўзаро бир-бирларига юбориб туришга, СССРда ташкил этиладиган иқтисодий алоқалар ва халқаро виставкаларга Италия фирмалари жалб этишга кўмаклаш-

ди. (ТАСС).

лотлари тадбирларнинг натта планини белгилладилар. Пиланга мувофиқ совет халқининг коммунистик жамият куриш йўлидаги муваффақиятларини тасвирловчи кўпдан-кўп виставкалар ташкил этилади, совет фильмларининг фестиваллари, концертлар, оммавий спорт мусобақалари, меҳнат шанбаилари ўтказилади.

АМЕРИКА САМОЛЁТИНИНГ ҲАЛОКАТИ

НЬЮ-ЙОРК. 25 октябрь. АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг бомбардировчи-қирувчи самолёти «Мидуэй» авионосецига қўниш вақтида бошқаришни йўқотиб қўйиб авионосецга жойлашган самолётлар қолонисига бориб урилди. Ҳалокат натижасида ҳарбий хизматчилардан тўрт киши ўлган ва 22 киши жароҳатланган, бир неча самолёт жиндий шиканланган. (ТАСС).

ОКТАБРЬ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

ТАВНА, 26 октябрь. ТАСС мухбири Е. Алексеев хабар қилди:

Куба халқи бутун дунё меҳнаткашлари ҳаётидаги шонли воқеани — Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 55 йиллигини тантанали нишонлашга ҳозирлик қўймоқда. Яқинлашиб келаятган байрам муносабати билан Куба партия, комсомол ва касабо союз ташки-

латлари тадбирларнинг натта планини белгилладилар. Пиланга мувофиқ совет халқининг коммунистик жамият куриш йўлидаги муваффақиятларини тасвирловчи кўпдан-кўп виставкалар ташкил этилади, совет фильмларининг фестиваллари, концертлар, оммавий спорт мусобақалари, меҳнат шанбаилари ўтказилади.

„АЛ-АХБОР“ ГАЗЕТАСИНING РАДИЯСИ

ҚОҲИРА. 25 октябрь. (ТАСС). Англияннинг Би Би Си радио станцияси Қоҳирада 12 октябрда гўё «давлат тўнтары» қилинган уриниш бўлди, деб тарқатган хабарини «Ал-Ахбор» газетаси рад этди. Бу хабар, деб ёзади «Ал-Ахбор» газетаси, АҚШ ва Исроилининг мафратларини кўлаб ўтказилаётган ва Мисрияг миллий бирлигига путур ет-

кишга қаратилган ёвуз ниятдаги пропаганда кампаниясининг давомидир. Газета Миср халқини ҳушёрликни очиринишга, бирли ва ишқислини мустахкамлашга нақиради. Мисрда душман доиралар мисрияларнинг ўз кучига ишончини бўшаширини мақсадида паронадалик туғдиришга уриниб кўришини мумкинлигини уқтириб ўтди.

Сомали Демократик Республикаси меҳнаткашлар оммаси талабларини ҳисобга олган ҳолда социал-иқтисодий ўзгаришлар программасини кенг кўламада амалга оширмоқда.

Сомали халқи қисқа муддатда қолоқлиқни, саводсизлиқни, ишсизлиқни тутатиш, жабр-зулмга чек қўйиш мақсадида социалистик куриш йўлидан боришда. Суратда: республика пойтахти Могадишо аҳолиси ҳўкумат программасини қувватлаб намоийшга чиқишайтган пайт.

АДН—ТАСС фотоси.

Сунгги уйинлар, сўнгги голлар. Биринчи лига футбол коллективлари икки турдан сўнг мав-

Table with columns: Командалар, У, Т, О. Lists football teams and their statistics.

Table with columns: Металлист, Строитель, Кривбасс, Динамо, Уралмаш. Lists football teams and their statistics.

Чемпион аниқланмай қолди. Футбол бўйича Ўзбекистоннинг 1972 йилги чемпионати финал мусобақалари тугади. Бирок, чемпион аниқланмай қолди.